

УДК 343.221.5

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОРАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

*Ешмуратов Шерали Бахитович  
Тошкент шаҳар ИИО Ички ишлар  
бўлинмаси катта эксперти, подполковник*

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш алгоритмининг асосий назарий ва амалий жиҳатлари илмий таҳлил қилинган. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тамойиллари асосида профилактика чораларини амалга ошириш механизми ва муаллифнинг хулосалари кўриб чиқилиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича тегишли илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарликлар, профилактика, ички ишлар органлари, олдини олиш тамойиллари, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш алгоритми.

**ОБ АЛГОРИТМАХ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ  
СРЕДИ НЕСОВРЕШЕННОЛЕТНИХ**

**Аннотация.** В статье проведен научный анализ основных теоретических и практических аспектов алгоритма предупреждений преступлений среди несовершеннолетних органами внутренних дел. Основываясь на принципах предупреждения правонарушений среди несовершеннолетних рассмотрен механизм осуществления предупредительных мер и заключениях автора, разработаны соответствующие научно обоснованные предложения относительно мер по совершенствованию предупреждения правонарушений совершаемых несовершеннолетними.

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, правонарушения, предупреждение, органы внутренних дел, принципы предупреждения, алгоритм предупреждения правонарушений среди несовершеннолетних.

**ON ALGORITHMS FOR PREVENTING JUVENILE DELINQUENCY**

**Annotation.** The article provides a scientific analysis of the main theoretical and practical aspects of the algorithm for preventing crimes among minors by internal affairs agencies. Based on the principles of preventing offenses among minors, the mechanism for implementing preventive measures and the author's conclusions are

considered, and relevant scientifically based proposals are developed regarding measures to improve the prevention of offenses committed by minors.

**Key words:** minors, offenses, prevention, internal affairs agencies, principles of prevention, algorithm for preventing offenses among minors.

Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан ички ишлар органлари (ИИО), вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини олиб бориша уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятдаги имкониятлардан фойдаланган холда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига маъсулият билан қараш, онгли равишда жамиятда ўрнатилган умуминсоний қадриятлар ва тартиб-интизом қоидаларига риоя қилиш, ўзининг ҳатти-ҳаракатлари ва қилмишларига жавобгарлик ҳиссини ўйғотиш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бир бўлиб келмоқда.

Шу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш алгоритмида қонун аҳамиятини ошириш, вояга етмаганлар манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳаракат этиш доирасини кенгайтириш ва такомиллаштириш лозимлигини тақоза этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларцияси”да: Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир шахсга ҳимоя учун барча имкониятлар яратиб берилиши, суд мажлисида ошкора тартибда қонуний йўл билан унинг айборлиги аниқланмагунча, айбизз, деб ҳисобланиши лозим»[1] – деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида, “Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир”, – дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. Ҳаммаси ўзимизнинг, Ўзбекистонимизнинг болалари. Вақтида меҳр кўрсатсак, ишга, илмга, касбу ҳунарга, эзгу фазилатларга ўргатсак, уларнинг йўлини очиб берсак, эртага фойдаси ўзимизга, жамиятимизга тегади” [2].

Шундан келиб чиқсан ҳолда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг манфаатларини муҳофаза этишда ҳуқуқий тарбия ва оилани мустаҳкамлаш ҳуқуқий муаммолари алоҳида аҳамият касб этади. Бу йўналишда барча алоқадор соҳа мутахассислари: ички ишлар органлари ходимлари, педагоглар, тиббий ходимлар, фуқаролик жамияти ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунослар, ўзини ўзи бошқариш органларининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни самарали олдини олиш давр

талабидир.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларги замон талабларига мос ўзгартериш ва кўшимчалар киритиш бўйича талаб қўйилди[3, с.3-5]. Бундан ташқари хозирги даврда Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг муҳим таркиби қисми сифатида чукур ислоҳ этиш бўйича янги стратегия ҳаётга тадбиқ қилинди.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш алгоритмлар бошқа муаммолар ўртасида алоҳида ўрин эгаллади, чунки жиноятчилик ва ўзга ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, биз томондан, ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри тарбиялашнинг жиддий шарти ҳисобланади. Бошқа томондан, умуман жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги занжирнинг зарур ҳалқасини ташкил этиб, унинг заҳираларига жиддий зарба беради.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритми бир неча даражаларни ўз ичига олади ва муаммони ҳар томонлама ҳал этишга қаратилган.

Вояга етмаганлар ўртасида хабардорлик ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари тўғрисида мунтазам равишда ахборот кампанияларини ўtkазиш, ахборот материаллари (буклетлар, плакатлар, видеофильмлар) ишлаб чиқиш ва тарқатишдан иборат ўзбек ва рус тилларида. Бундан ташқари, ушбу даражада ИИО ходимлари вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни содир этишга мойиллигини эрта аниқлаш бўйича ота-оналар учун маъruzалар, семинарлар ва тренинглар ташкил этишга қаратилган олдини олиш тадбирларини амалга оширадилар[4, с. 24].

ИИО ходимларининг ҳаракатлари алгоритмiga оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар киради. Вояга етмаганларнинг зўравонлик, шафқатсизлик ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни тарғиб қилувчи маълумотларга киришини кузатиш ва чеклаш.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишнинг навбатдаги муҳим даражаси бу хавф гурухлари ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган вояга етмаганлар орасида ишлашдир[5, с.255]. Шу мақсадда вояга етмаганларни ижтимоий хавфли вазиятда эрта аниқлаш ва рўйхатга олиш амалга оширилади. Шунингдек, хавф остида бўлган вояга етмаганларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш керак.

Бундай вояга етмаганлар билан якка тартибда ишлаш ҳам вояга етмаганлар

ўртасида олдини олиш фаолиятининг муҳим даражасидир. Шу мақсадда ҳуқуқбузарликни содир этган вояга етмаганлар учун ижтиомий реабилитация ва хатти-харакатларни тузатишнинг якка тартибда ишлаш дастури ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Юқоридаги вазифаларни самарали бажариш учун вояга етмаганлар билан ишлайдиган ИИО ходимларининг малакасини ошириш зарур.

Шунингдек, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш алгоритмни амалга оширишнинг қуйдаги умумий тамойилларига амал қилиш зарур:

- 1) мураккаблик (барча манфаатдор идоралар ва ташкилотларнинг ўзаро таъсири);
- 2) мувофиқлик (турли даражадаги олдини олиш чораларини изчил амалга ошириш);
- 3) мақсадли (вояга етмаганларнинг якка тартибда олдини олиш хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда);
- 4) ўз вақтида (вояга етмаганлар муаммоларига эрта аниқлаш ва жавоб бериш);
- 5) илмий асослилик (замонавий педагогик, психологик ва ижтиомий технологиялардан фойдаланган ҳолда);
- 6) очиқлик ва ошкоралик (вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш дастурларини амалга оширишга жамоатчиликни жалб қилиш);
- 7) самарадорликни баҳолаш (олдини олиш ишлари натижаларини мунтазам мониторингни олиб бориш ва натижаларни таҳлил қилиш).

Ушбу алгоритм тахминий бўлиб, хар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини ва Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда мослаштирилиши ва тўлдирилиши мумкин. Амалдаги чоратадбирлар самарадорлиги ва халқаро тажрибани таҳлил қилиш асосида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга[6, с. 65-68].

Шулардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритмига уларни содир этувчи шахсларнинг ижтиомий-демографик ва психологик хусусиятларини алоҳида ўрганиш илмий ва шу каби амалий жиҳатдан қизиқиши уйғотади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритми юқорида қайд этиб ўтилган комплекс муаммоларнинг такибий қисми сифатида ушбу босқичда Ўзбекистондаги жиноятчиликка қарши қурашнинг муҳим вазифалари қаторида, аввало бундай қилмишларнинг нисбатан тарқалганлигига кўра кўриб ўтилиши керак.

Республика      айрим      ҳудудларида      вояга      етмаганлар      ўртасида

хуқуқбузарликнинг ўсиши тенденцияси кузатилмоқда. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарликларга қарши самарали кураш олиб боришига уларни фақатгина криминологик жиҳатдан эмас, балки, ижтимоий-демографик, ахлоқий-психологик белгиларга, шунингдек хуқуқбузарликка олиб келувчи сабабларга хуқуқий таъриф бериш орқалигина эришиш мумкин.

Вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритми таркибиға уларнинг хусусиятлари мураккаб ижтимоий ва ижтимоий психологик ходисадир. Бу уларнинг жамиятга хилоф хулқ-авторини белгилайдиган барқарор белгиларга эга бўлади, шу нуқтаи назардан вояга етмаганлар орасида олиб бориладиган ишлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ўз навбатида буларнинг барчаси эса кўриб ўтилаётган муаммонинг долзарблигини, илмий ва амалий аҳамиятини кучайтиради[7, с.74-79].

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритми давлат идоралари ва фуқаролик жамияти ходимлари билан ҳамкорликдаги хуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш зарурлиги, ҳозирги шароитда олдини олишни механизмини такомиллаштиришни тақозо этди.

Бунинг учун вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритми билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича асосли хulosса ва таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритмини такомиллаштиришдан келиб чиқадиган муаммоларни таҳлил этиш натижаларини умумлаштириш ва самарали олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқ[8, б. 57].

*Биринчидан*, вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олишда барвакт чораларни қабул қилиш, улар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг олдини олиш алгоритмларидан келиб чиқувчи асосий дастлабки қоидаларни ишлаб чиқиш, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган вояга етмаганлар билан олдини олиш усуллари тизимида амалиётда юзага келган холатларни аниқлаш[9, с.100-105]. Вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш алгоритми биринчи навбатда, бу йўналишда каттагина ҳажмдаги ишларни бажарувчи ички ишлар органлари томонидан ташкилий-тактик усулларни таҳлил қилиш ва баҳолашга сезиларли боғлиқдир.

*Иккинчидан*, вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликнинг олдини олиш чораларни бирлаштирувчи умумий белгилар билан бир қаторда уларнинг ҳар қайси яна ўзига хос хусусият касб этади ва уларни ҳисобга олмай туриб, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарликларни олдини олиш

борасидаги ишлар сезиларли натижалар бермайди.

*Учинчидан*, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг юқори ижтимоий хавфлилиги, унга астойдил тайёргарлик кўриш катталарга қараганда вояга етмаганларга унчалик хос эмас. Асосан бундай тайёргарлик илгари ҳуқубузарликларни содир этган ёки катталар иштирокида (айниқса, илгари судланган, ташкилотчиликни ўз қўлига олган) гурух таркибида жиноят содир этилган тақдирда амалга оширилади.

*Тўртинчидан*, вояга етмаганлар орасида маданий ахборот тармоқларидан фойдаланишдаги чекланганлик хосдир. Кўриб чиқилаётган вояга етмаганлар дам олиш ва майший аҳволига келганда мақсадсиз ва тартибсиз вақт ўтказиш, спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш, уларнинг ҳиссий ва маънавий соҳаларида уят ҳиссининг сустлиги бошқаларнинг қайғусига нисбатан лоқайдлик, бетоқатлик, қўполлик, ёлғончилик, ўзига танқидий қарамаслик ҳоллари қайд этилади.

*Бешинчидан*, ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бир қанча босқичларда вужудга келади. Унга хулқ-атвори ва ҳ.к.га қараб жиноят содир этишни кутиш мумкин бўлган вояга етмаганларнинг гуруҳларини аниқлаш; бу гуруҳлар ва умуман унда бўлган шахсларни синчиклаб ўрганиш; ўрганиш жараёнида олинган маълумотлар асосида гуруҳларни тарқатиб юбориш ва уларни ижтимоий фаолиятга буриб юбориш ва ҳ.к.ларни бундай босқичларга киритиш мумкин.

*Олтинчидан*, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини келгусида такомиллаштириш ва ташкил этиш, қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бориши лозим деб хисоблаймиз: ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини ахборот билан таъминлашни такомиллаштириш; вояга етмаганларнинг ғаразли йўналтирилган хулқ-атворини якка тартибда башорат қилиш; ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва жамоат бирлашмалари билан фаол ўзаро ҳамкорлиги жараёнида кучлар ва воситалардан комплекс тарзда фойдаланишни ташкил қилишни таъминлаш; вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жинояtlар профилактикаси субъектларининг барча ишлари, вояга етмаганлар томонидан амалга ошириладиган жинояtlарнинг ўзга шакллари ва усууллари ҳамда омиллари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда маълум анаъанавий шакллар ва усуулларидан фойдаланиб амалга оширилиши керак.

*Еттинчидан*, вояга етмаганлар ўртасида жинояtlарнинг олдини олиш алгоритми қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилса, мақсадга мувофиқдир:

1) ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорликдаги куч ва

воситаларидан комплекс фойдаланишни таъминлаш;

2) вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш алгоритми тактикасини қўллашни режалаштириш;

3) вояга етмаганлар томонидан хукуқбузарликларни содир этишни олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг комплекс режага киритилиши синчковлик билан ўрганишни тақозо этади.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш алгоритмida вояга етмаганларга ижтимоий, педагогик ва психологик ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш алгоритмининг яна бир йўналиши – жамоат ташкилотлари ва волонтерларни вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилиш ишларига жалб қилиш.

Ушбу чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши ички ишлар органларининг барча бўлимлари томонидан мувофиқлаштирилган ишларни, шунингдек, бошқа давлат органлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни талаб қиласди.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. БМТнинг Инсон хукуqlari умумжаҳон деклрацияси. 1948 йил 10 декабрда Бош Ассамблеяning 217-А (III) кўрсатмаси билан қабул қилинган ҳужжат, 11-модда.

2. <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/yangi-ozbekistonda-har-bir-bolaning-barcha-huquqlarini-taminlash-ustuvor-vazifa> (2025 йил 4 апреля мурожат қилинган)

3. Кожевников, К.М. Защита прав несовершеннолетних /К.М. Кожевников // Законность. – 2011. – № 7. – С. 3-5.

4. Головкин Е. В. Правовые и организационные основы деятельности милиции общественной безопасности по предупреждению правонарушений, совершаемых несовершеннолетними: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Москва, 2002. 24 с

5. Беженцев А.А. Административная деятельность органов внутренних дел по предупреждению правонарушений несовершеннолетних. Москва: ЮНИТИ-ДАНА; Закон и право, 2017. 255 с.

6. Барышников М. В. К вопросу профилактики административных правонарушений, совершаемых несовершеннолетними // Правопорядок: история, теория, практика. 2020. № 1 (24). С.65-68.

7. Матчанов А.А. Об эффективности деятельности подразделений уголовного розыска в осуществлении ранней профилактики преступлений среди молодежи//Ёшлар жиноятчилигининг сабаблари, шарт-шароитлари ва олдини олиш: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2021 йил 22

апрель) / Масъул мухаррир ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасурова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – С.74-79 (537 б.)

8. Умирзаков Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2021. – 57 б.

9. Винниченко Е.О. Проблемы ранней профилактики правонарушений несовершеннолетних / Е.О. Винниченко // Управление инновационным регионом / Материалы Всероссийской научно-практической конференции. Тюмень. 2013. Выпуск 9. Часть 1. С. 100-105.